

Qishloq hayoti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqib boshlagan

2022-yil 15-dekabr, payshanba

№ 49 (9213)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЗАРУР ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 13 декабрь куни Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги инфратузилма ва ижтимоий соҳа объектлари фаолияти билан танишди ҳамда фаоллар иштирокида йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб “Тошшаҳартрансхизмат” акциядорлик жамияти тизимидаги 18-автобус саройида бўлди.

Жамоат транспорти тизими ривожлангани шаҳар ҳаётининг энг муҳим жиҳатларидан бири. Лекин Тошкент шаҳрида бу соҳа ҳозирги ўзгаришлардан орқада қолмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда кўплаб турар жойлар қурилди, аҳоли сони ошди, шаҳар ҳудуди ҳам кенгайди. Пойтахтимизда кунига 1 миллион 300 минг йўловчи жамоат транспортдан фойдаланмоқда.

Бу талабга жавоб бериш учун “Тошшаҳартрансхизмат” тизимида автобуслар етишмаяпти. Борларининг ҳам кўпи эскирган. Шу сабабли йўналишларга режага нисбатан 90-100 та автобус кам чиқмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)



Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ўтказилган брифингда Алкогол ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги ахборот хизмати раҳбари Дилбар Сиддиқова соҳага тегишли маълумотларни тақдим этди.

УЗУМЗОРЛАРДАН ОЛИНАЁТГАН ҲОСИЛДОРЛИК 10-13 ТОННАДАН 25-40 ТОННАГАЧА ОШДИ



Қайд этилишича, бугунги кунда 48 та узумчиликка ихтисослаштирилган туманларда узумчиликда хўжалик юртишнинг кластер шаклини амалиётга татбиқ этиш ишлари бошлаб юборилган. Сўнгги икки йил давомида 105 та узумчилик ва виночилик кластерлари ташкил этилиб, улар томонидан 14 минг гектар майдонда узумзорлар барпо этилган. Саноат корхоналарининг хом-ашё базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2021-2022 йилларда жами 12 минг гектар майдонда янги саноатбоп навли плантациялар барпо этилди.

Узум ҳосилининг сифатини яхшилаш, ток касалликларини олдини олиш мақсадида республика ҳудудларида кейинги беш йилда 50 минг гектар майдонни эгаллаган токзорлар шпалераларга кўтарилиши бошлаб юборилган. Натижада, узумзорлардан олинаётган ҳосилдорлик 10-13 тоннадан 25-40 тоннагача ошмоқда.

Шунингдек, “in-vitro” шароитида тайёрланган узум маҳсулотларини етиштириш мақсадида “De Nova Agro” МЧЖ, “Sag Agro” МЧЖ, “Business Garden Park” МЧЖларга агентликнинг жамғарма-

си ҳисобидан жами 15 миллиард сўм маблағ ажратилди. Натижада 2023 йилда 1,5 миллион донга “in-vitro” шароитида ўстирилган вируслардан холи, совуққа чидамли, уруғсиз, пайвандланган узум кўчатлари етказиб берилади. Жорий йил 1 декабрь ҳолатига ички бозор талабларидан ташқари 256 миллион АҚШ долларлик сарҳил узум, кишмиш ҳамда 100 миллион долларлик қайта ишладан олинган маҳсулотлар жаҳоннинг 50 дан ортиқ мамлакатларига экспорт қилинган.

Кластерлар томонидан қисқа вақт ичида 55 минг тонна узум маҳсулотини сақлаш ва қайта ишлаш қувватлари, жумладан, 30 минг тонна сифимли музлаткич омборхоналари, 10 минг тонна қуритиш ва 15 минг тонна узум маҳсулотларини қайта ишлаш қувватлари ташкил этилди ҳамда экспорт қилиш имкониятлари ошди. Тайёр вино маҳсулотларининг экспорт ҳажми ўтган йилга нисбатан 2,6 баробарга (1,43 млн.) ошган бўлса, уларни сотиш баҳолари 10 фоизга ўсганлиги соҳа натижадорлигини яққол кўрсатиб беради.

Муҳайё
ТОШҚОРАЕВА,
ЎЗА мухбири.



ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

КЛАСТЕР ТИЗИМИ ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРДИ

Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича салмоқли натижаларга эришилди.

Ёр илмини билиш, мелиорация ишларини тизимли ташкил этиш, техникалардан самарали фойдаланиш учун пиллакор, ғаллакор, пахтакор ва боғбон ҳам соҳанинг билимдони бўлиши керак. Деҳқонлар тили билан айтганда ишнинг кўзини билган, илмли ва ерни алдамайдиган киши кўзланган ҳосилни олади, юзи ёруғ бўлади.

Таъкидлаш лозимки, жорий йил ҳам қишлоқ хўжалиги вакиллари учун жуда синовли келди. Сув ресурсларининг ҳар йилдагидан 20-25 фоизга танқислиги, табиатнинг инжиқликларига қарамаздан вилоятда 1 миллион тоннадан ортиқ ёки ўтган йилга нисбатан 1,3 баравар зиёд ғалла, 437 минг тонна пахта, 403 минг тонна сабзавот, 159 минг тонна полиз маҳсулотлари, 149 минг тонна картошка, 44 минг тонна мева, 78 минг тонна узум, 2 минг 296 тонна пилла, 229 минг тонна гўшт, 898 минг тонна сут, 406 миллион дон тухум етиштирилди. Ғаллачилик ва пахтачиликда ўртача ҳосилдорлик ошди.

Умумий ҳисобда 23 триллион сўмга яқин ёки ўтган йилга нисбатан 12 фоиз кўп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди.

(Давоми 3-саҳифада)

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

ВОДИЙНИНГ ЙИРИК ГИДРОИНШОТИГА ҲАДЕМАЙ СУВ ОЧИЛАДИ

Фарғона водийсининг олтин камари, бошқача айтганда ҳаёт асоси бўлган Катта Фарғона магистрал каналининг 1939 йилда халқ ҳашари билан қўл кучида қазилгани катта ижтимоий воқеа бўлган эди. Каналнинг 39 кунда қазилиб, 45 кун ичида фойдаланишга топширилишининг ўзбек халқининг нималарга қодир эканлигини кўрсатган, дунё аҳлини лол қолдирган эди. Мана 83 йилдирки, бу улкан иншоот водийни гўзалликка буркаб турибди. Боғ-роғларни, пахтазору ғаллазораларни, аҳоли томорқаларини сув билан таъминлаб, мўл-кўлчиликка асос бўлмоқда. Сувидан ҳайвонот олами, парранда-ю дарранда, ҳатто қурт-қумурсқагача баҳраманд бўлаётганини ўйлаган одам унинг беқиёс аҳамиятга эга эканини англайди.

(Давоми 3-саҳифада)



ОБУНА МАВСУМИ ДАВОМ ЭТАДИ!

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР, “ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ”НИНГ КўП ЙИЛЛИК ҚАДРДОНЛАРИ, ҲАМФИКРЛАРИ, ҲАМКОРЛАРИ!

Бугун ўзингизга яхши маълумки, юртимизда кейинги йил учун даврий нашрларга обуна уюштириш даври. Бу давр шундай ўтмоқдаки, газетанинг жамиятдаги ўрнига бефарқ қараш, унинг хизматини шубҳа остига олиш каби негатив қарашли фикрлар ҳам қулоғингизга чалиниб тургандир? Бундай ҳулосалар аллақачонок бутун дунёда, хусусан, юртимизда ҳам асоссиз фикрлар эканлиги ўз тасдиғини топиб бўлди. Бугун газета ва унинг муштарийси ҳамфикр бўладиган пайт келди. Газета ҳеч қачон Сизнинг беминнат ҳаммаслагингиз бўлиш ниятидан воз кечмайди. Сизнинг ҳам ўз хизматинингизга беминнат киришувчи нашрингизни маҳкам кучиб, қўллайдиган пайтингиз бугун. Биз Сизга ишонамиз. Шу мақсадда бугун давом этаётган обуна мавсумида қарийб 50 йил давомида ҳаммаслагингиз бўлган ўз нашрингизга обуна бўлишда асло иккиланманг! Сиз обуна бўлиб, ўз-ўзингизга бир йил давомида маънавий-маърифий дастёрингиз, фаолиятда кўмакчингизни танланг.

“ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ” Сиз билан

ОБУНА ОБУНА УЮШТИРУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР ВА ТАХРИРИЯТ ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

Тахририят билан боғланиш учун телефон рақамлар: 71-233-40-87, 71-233-09-93, 71-233-28-04, 95-080-43-70, 99-050-69-45, 90-317-19-16.



Президентимиз ижтимоий муаммоларни ҳал этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди

АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЗАРУР ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

(Боши 1-саҳифада)

Кўчаларда жамоат транспорти устуворлиги йўлга қўйилмаган. Буларнинг оқибатида йўловчилар автобусларни 20-30 дақиқагача кутишига тўғри келмоқда. Давлатимиз раҳбари бу ҳолатни кескин танқид қилиб, айниқса, ҳозиргидек совуқ кунларда бунга умуман йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидлади. Шу боис кучайтирилган тартибда ишлаб, энг оғир йўналишларга қисқа муддатда қўшимча автобуслар қўйиш бўйича топшириқ берди.

Бунинг учун хусусий корхоналар автобуслари ҳам жалб этилади. Уларга харажатларининг бир қисmini қоплаш учун давлат томонидан субсидия берилди. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари автобуслар қатновига қўшимча қўлайликлар яратди.

Қатновлар тезкорлиги ва хизмат сифатини таъминлаш, ҳайдовчиларнинг ойлик маошларини ошириш бўйича ҳам кўрсатма берилди.

Шу ерда Тошкент шаҳрида жамоат транспортини ривожлантириш масалалари бўйича тақдимот ўтказилди. Қайд этилганидек, бу йил 277 та автобус ва электробус харид қилиниб, қатновга қўйилди. Автобуслар ҳаракати ва тўловлар тизими рақамлаштирилди.

Бугунги кунда “Тошшаҳартрансхизмат” тизимида 142 та йўналиш бор. Йўловчилар оқимининг кўпайиш прогнозидан келиб чиқиб, жамоат транспортининг 167 та йўналишдан иборат янги тармоғи шакллантирилган. Бу йўналишларни таъминлаш ва Тошкент шаҳрида жамоат транспортига бўлган талабни тўлиқ қондириш учун яна 1000 та катта симиғли автобус зарур. Бу орқали автобусларнинг оралиқ интервалини 7-10 дақиқагача қисқартириш мумкин.

Президент автобус саройидаги транспортларни кўздан кечирди. Ушбу корхона 22 та йўналиш бўйича кунига 74 минг йўловчига хизмат кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбари “Тошкент иссиқлик маркази” корхонасининг Чилонзор иссиқлик марказини бориб кўрди.

Ушбу мажмуа 1969 йилда қурилган. Қозонхона 700 Гкал қувватга эга. Марказ 921 та кўп қаватли уй ва 100 дан ортиқ ижтимоий соҳа объектларига иссиқлик қуввати етказиб беради.

Сўнгги кунларда об-ҳавонинг кескин совиб кетиши оқибатида газ босимининг паслиги кузатилмоқда. Бу иситиш даражасига салбий таъсир қилмоқда.

Чилонзор иссиқлик марказида ҳам ускуна ва тармоқлар эскирган. Иссиқликни узатишда йўқотишлар бор.

Шу боис бу борадаги зарурий чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари иссиқлик ишлаб чиқаришнинг мўқобил манбаларини излаш, қувурлар ва уйларда ҳароратни асраш заруриятини таъкидлади.

Тошкент шаҳри туманларига электрда ишлайдиган 2 мегаваттли станциялар олиб келиб, қўшимча иссиқлик



қувватлари яратиш таклифи маъқулланди. Бундай битта қурилма 1 минг 340 та хонадонга иссиқлик етказиб беради. Ишлаб чиқариш харажати камлиги эвазига нарх ошмайди.

Шавкат Мирзиёев қутилмаганда шу ердаги Ширин маҳалласини кириб кўрди. Аҳоли хонадонларида бўлиб, турмуш шароитлари, иссиқлик таъминоти билан қизиқди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Учтепа тумани Найман маҳалласидаги оилавий болалар уйи билан танишди.

Мамлакатимизда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар алоҳида эътиборга олинган. Давлат томонидан берилган имтиёзлар натижасида бундай болаларни ўз бағрига олаётган оилалар ортиб бормоқда. Жумладан, 131 та оилавий болалар уйлари ташкил этилиб, 808 нафар ўғил-қиз тарбияга олинган.

Учтепа туманидаги мазкур оилавий болалар уйи ҳам шу борадаги ишларнинг мантиқий давомидир. 2 қаватли бино Миллий гвардия томонидан реконструкция қилиниб, 12 та оила учун шароит

яратилган. Барча хонадонлар маиший техника, мебель ва хўжалик жиҳозлари билан таъминланган.

Президентимиз шундай оилалардан бири – Иномжон ва Дилдора Давлатовлар хонадонида бўлди. Улар 4 нафар етим болани ўз қарамоғига олган.

Болажонлар ўз оиласи бўлишини орзу қилгани, давлат эътибори билан бу орзуси ушалганини айтишди.

Ота-оналарнинг ўз фарзандлари ва тарбияга олинган болалар шу ердаги 238-умумтаълим мактабида таълим олади.

Мажмуада 2 та спорт зали, мини-футбол стадиони, ўйин ва воркаут майдончалари, ёзги саҳна, хиёбон ташкил этилган. Манзарали ва мевали дарахт ниҳоллари экилган. Мўъжазгина томорқада рўзғор-боп маҳсулотлар етиштирилади.

Давлатимиз раҳбари ўқув ва спорт тўғрақларини кириб кўрди, ёшлар билан суҳбатлашди.

Шу ерда Тошкент шаҳри туманларини маҳаллабай ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказилди.

Ўтган 11 ойда пойтахтимизда 650 та лойиҳа амалга оширилиб, 30 мингта иш ўрни яратилган. Хусусан, Учтепа туманида янги тадбиркорлик субъектлари сони 1 минг 110 тага кўпайган.

Тошкентда савдо, саноат ва хизматларни ривожлантириш учун катта имкониятлар борлиги қайд этилди. Бундан тўла фойдаланиб, пойтахтни ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш вазифаси белгиланди.

Президентимиз ижтимоий муаммоларни ҳал этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Пойтахтимизда 584 та маҳалла бор. Уларни обод қилиш, йўлларни яхшилаш бўйича кўп ишлар қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари навбатдаги режалар, аҳолининг талаб-истаклари юзасидан маҳалла раислари билан суҳбатлашди.

Улардан келиб чиқиб, 44 та ижтимоий объектни таъмирлаш, болалар боччаси, поликлиника, истироҳат боғи ташкил этиш чоралари белгиланди.

Тошкент шаҳридаги 12 та иссиқлик марказининг барчаси 1968-1986 йилларда қурилган бўлиб, ускуналари эскирган. Шу боис, улардан 9 таси негизда иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқарувчи замонавий марказлар ташкил этилади. Натижада пойтахтимизда ҳар йили қўшимча 3 миллиард киловатт-соатдан зиёд электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Янги йил байрами арафасида бозорларга озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳам кўрсатмалар берилди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АБВАЛБӨЕВ,
ЎЗА мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

АҚШДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

АҚШнинг Вашингтон шаҳрида Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида Стратегик ҳамкорлик мулоқотининг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон адлия вазири Акбар Тошқулов АҚШнинг “Инсонийлик мезонлари” масалаларига бағишланган тўртинчи сессиясига раҳбарлик қилди.

Унда Ўзбекистонда демократик институтларни мустақамлаш ва ушбу йўналишда олиб борилаётган ислохотлар, сўз эркинлигини ҳимоя қилиш ва фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш, диний эркинлик соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида сўз юритилди.

Меҳнат ҳуқуқлари ва одам савдосига қарши курашиш, гендер тенгликни таъминлаш, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ҳамкорлик, жазони ижро этиш масканларидаги шароитлар масалалари муҳокама қилинди.

Америка томони мамлакатимизда Янги Ўзбекистоннинг тарққиёт стратегияси доирасида давлат ва жамият қўрилишининг барча жабҳаларида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилатганини эътироф этди.

Хусусан, фуқаролик жамияти-

ни ривожлантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонун устуворлигини мустақамлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш йўналишида ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларни бажаришда улкан ютуқларга эришилди. Ушбу йўналишларда янада самарали ҳамкорликни давом эттириш тарафдори эканлиги таъкидланди.

Учрашув давомида Ўзбекистон вакиллари томонидан тадбир кун тартиби мавзулари доирасида келгусидаги ҳамкорликни янада мустақамлаш ва давом эттириш мақсадида аниқ ва конструктив таклифлар илгари сурилди.

Адлия вазири Ўзбекистон делегацияси таркибида бир қатор қўшма тадбирларда, хусусан, АҚШ давлат котиби Э.Блинкен, АҚШ Конгресси аъзолари ва ҳукумати вакиллари, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) раҳбарлари билан учрашувларда ҳам иштирок этди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

ҚИШКИ ЮМУШЛАР УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Навоий вилоятида 2022-2023 йиллар куз-қиш мавсумида амалга оширилаётган ишлар бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, ирригация тармоқлари ва гидротехник иншоотларда таъмирлаш-тиклаш тадбирлари уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда.

Дастурда 195,4 км. магистрал ва хўжаликлараро суғориш тармоқларини тозалаш, 123 дона гидротехник иншоотлар ва 145 дона сув ўлчаш постларини таъмирлаш, шунингдек, фермер хўжаликлари ҳисобидаги ички суғориш тармоқлари ҳамда сув олиш қулоқларини жиҳозлаш ва таъмирлашга кўмаклашиш кўзда тутилган. Шу мақсадда тозалаш, таъмирлаш-тиклаш ишларига сарфланадиган ёнилғи-моилаш, цемент ва бошқа материаллар миқдори ҳисоблаб чиқилиб, шу кунга қадар 103,3 км. узунликдаги хўжаликлараро каналлар тозаланди, 63 дона гидротехник иншоот ва 75 дона гидропост таъмирланди.

Кармана туманидан ўтувчи “Навоий” каналининг узунлиги 35 километр бўлиб, 8 ярим минг гектар майдонни суғоришга хизмат қилади. Каналнинг 12 км. қисмини тозалашга 3 дона экскаватор жалб қилиниб, ишлар

яқунига етказилди. Навбаҳор туманидаги Навбаҳор ҳудудини суғоришга хизмат қилувчи Узатма 2 каналида эса 2 дона гидротехник иншоот ва гидропостлар тўлиқ таъмирланди. Тумандаги 350 км. узунликдаги ички суғориш тармоқлари ҳам механизм ва кўп кучи ёрдамида тозаланди. Бундан ташқари, мазкур туман ирригация бўлимига қарашли 4 та сувчилар уйининг атрофи тозаланиб, ободонлаштирилди. Мавсум муносабати билан Узатма 2 каналда ҳашар ташкил этилиб, 5 км. ички хўжалик суғориш тармоқлари ҳамда каналнинг 3 км. қисми тозаланди.

Сирасини айтганда, вилоят ирригация тармоқларида қиш мавсуми тадбирлари қизғин олиб боришмоқда.

Ғиёс ЖОНИЗОҚОВ,
Қўйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ахборот хизмати раҳбари.

Мамлакатимизда банк тизимини трансформация қилишда ихтисослашувдан универсаллаштиришга ўтиш жараёни чуқурлаштирилди, соҳага оид барча операциялар, миқозлар билан муносабатлар жаҳон банк ҳамжамиятида амал қилинаётган тамойилларга мослаштирилди. Жумладан, банк тармоқларини мувофиқлаштириш ишлари ҳам. Бу борада Ўзсаноатқурилишбанк тизимида олиб борилаётган ишлар хусусида Банк маҳсулотларини сотиш ва тармоқларни мувофиқлаштириш департаменти директори Алишер Камалов қуйидагиларни гапириб берди:

– Трансформация жараёнларида тижорат банклари олдига халқимиз учун бугунги шиддатли даврга мос ва хос шароит яратиш вазифаси қўйилди. Инфратузилмаларни ислох қилиш борасида янгича ёндашувлар белгиланди. Ўзсаноатқурилишбанк тизимида халқаро экспертлар кўмагида олиб борилаётган кенг қўламли трансформация жараёнида Президентимизнинг соҳага оид қарор ва фармонида белгиланган вазифаларга эътибор қаратилди. БевоСИТА банк тармоқларини мувофиқлаштиришда ихчам банк хизматлари марказларини кўпайтириш, мавжуд тармоқларни илғор халқаро тажрибалар асосида иш юритадиган, рақобатбардош муассасага айлантириш, миқозлар ва аҳолига хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш каби ишлар амалга оширилди. Бунда тармоқлар фронт-офис ва бэк-офисларга ажратилди. БевоСИТА миқозларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган фронт-офис тузилмалари банк маҳсулотлари, хизматлари ҳамда миқозлар сегментини инobatга

МАҚСАД – МИҚОЗЛАРГА ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛАЙЛИК ЯРАТИШ

олган ҳолда, 5 тоифага бўлиб ташкил этилди. Жумладан, биринчи тоифа “Бизнес класс”, расмий тарзда Банк хизматлари офиси, деб номланади. Бундай тармоқларда жисмоний ва юридик шахслар учун барча турдаги хизматлар кўрсатилади. Шунинг учун улар аҳоли зич жойлашган шаҳарлар марказида ҳамда саноатлашган ҳудудларда ташкил қилинди.

Иккинчи “Стандарт класс” тоифасидаги тармоқлар – ихчам Банк хиз-

матлари марказлари ҳисобланади. У ерда жисмоний ва юридик шахсларга чекланган банк хизматлари тақдим этилишига қарамай, самарадорлик аҳоли учун ҳам, банк учун ҳам бирдек юқори бўлмоқда.

Навбатдаги “Оптимум класс” тармоқлари орқали эса жисмоний, юридик шахсларга чекланган банк хизматларини кўрсатиш кўзда тутилган. Уларнинг ў ёки бу мақомдаги миқозга мўлжаллангани ўша офис жойлашган



ҳудуд дислокациясига қарата белгиланмоқда. Яъни, аҳоли гавжум жойда жойлашган бундай офисларимиз фақат жисмоний шахсларга, аксинча, муайян йирик савдо мажмуаси таркибида ташкил этилганлари тадбиркорларга хизмат кўрсатмоқда.

Тўртинчи тоифадаги “Фаст класс” офислари банк корпоратив миқозлари бўлмиш йирик корхоналар қошида ташкил қилинган. Улар коммунал ва бир марталик тўловларни қабул қилувчи ихтисослашган кассалар саналади. Сўнгги тоифадан 24/7 режимида

ишловчи шохобчалар ўрин олган. “Селф сервис класс” деб номланувчи ушбу офислар ўзига-ўзи хизмат кўрсатувчи ускуналар билан жиҳозланиб, узлуксиз туну-кун ишлаши билан халқимизга ҳар томонлама қўлайлик туғдирмоқда.

Шунингдек, тармоқларни жиҳозлаш ва хизмат кўрсатишни ташкил этишда ҳам янги стандартларга таянилди. Ҳар бирида банк бренди чуқур акс эттирилган, миқозларга хизмат кўрсатувчи менежерларимиз учун алоҳида дресс-код жорий қилинган, навбатларни тартибга

солувчи ҳамда банк хизматларидан онлайн фойдаланиш имконини берувчи (сенсорли тачскрин) электрон ускуналар ўрнатилган, навбатсиз хизмат кўрсатувчи “яшил йўлак”лар ташкил этилган. Пировард мақсади-миз – миқозларга максимал даражада қўлайлик яратиш, сифатли ва тезкор хизмат кўрсатишдан иборатдир.

Бугунги кунда тармоқларимиз ҳолатига тўхталиб, 91 та Банк хизматлари офиси ва Банк хизматлари маркази, 35 та чакана амалиётлар кассаси (Оптимум ва Фаст классдагилар), 103 та 24/7 режимида ишловчи шохобча мавжудлигини қайд этишим лозим.

Тармоқлар – банкнинг асосий сотув каналлари. Улар географик жиҳатдан қанчалик кенг бўлса, фаолияти самарали ташкил этилса, муассаса мавқеи кафолатлангани шу бўлади. Шу жиҳатдан қараганда, зиммамизда жуда катта масъулият бор. Режа тузишда жаҳон ва миллий молия бозори тенденциялари, кун сайин янгиланаётган банк технологиялари ҳамда миқозларимиз хоҳиш-истакларини ҳисобга олиб, тинимсиз изланаёямиз. Яқин истиқболда юқори технологияларга асосланган смарт офисларни ташкил қилиш, тармоқларни трансформациянинг янги модели талаблари бўйича жиҳозлаш ва таъмирлаш ҳамда замонавий банк хизматлари марказлари доирасини янада кенгайтириш ниятидамиз.

Банк ахборот хизмати

Пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан 485 миллиард сўмлик инвестиция лойиҳаси амалга оширилди

ВОДИЙНИНГ ЙИРИК ГИДРОИНШООТИГА ҲАДЕМАЙ СУВ ОЧИЛАДИ

(Боши 1-саҳифада)
Каналнинг қурилиш конструкцияси шу даражада мукаммал ишлаб чиқилганини унинг ўзини ўзи тозалайдиган иншоот бўлганидан ҳам билса бўлади. Уша даврда ҳам ўзбек лойиҳачилари ҳар томонлама мукаммал ишлаган экан.

Албатта, каналнинг тирсак ерларида ҳар йили тўпланиб қоладиган кум ва бошқа баъзи тўсилган оғир нарсаларни олиб ташламаса бўлмайди. Бу жорий таъмирлаш дейилади. Жорий таъмирлаш узоққа чўзилмайди. Кўпи билан 20 кун атрофида бутун куч, имконият шу канални таъмирлашга ташланади. Бу йил ҳам шундай бўлди. Фарғона вилоятининг Қўштепа ва Учкўприк туманларидан ўтган канал қисмининг кўприклари тузатил-

маса бўлмайдиган даражага келиб қолгани ҳақида эътирозлар бўлаверганидан кейин уни таъмирлашга кўприксоzлар келди ва иш бошлангандан кейин оқиб турган тўла сувга бетон парчалари, плиталар тушиб кетди. Улар канал сувининг оқишига ҳалал бермасдан қолмади. Лекин ёзда бу тўсиқларни олишнинг иложи бўлмаган эди. Мана энди кўприксоzлар ана шу тозалаш ишлари сарф-харажатини қоплашга ёрдам қилди ва каналдаги чиқиндилар тозаланди. Магистрал каналда режа бўйича 130 минг метр куб тупроқ ишлари бажарилиши режалаштирилган бўлса, амалда 98 фоизи адо этилди.

— Каналнинг бутун 347 километрида сувга талабни ҳисобга олиб, гидротехник иншоотлар ўрнатилганини кўрамыз, — дейди

Катта Фарғона каналидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Алишер Тожа́лиев. — Уларни таъмирлаш режаси 220 донга қилиб белгиланган эди, амалда 548 донга етказилди. Сув қурилгангандан кейинги ҳолатда яроқсиз бўлиб қолган кўлаб сув чиқариш дарвозалари сув қурилгандан кейин аниқланди. Кўплари алмаштирилди, баъзилари таъмирланди. Бу борадаги режа 250 фоизга бажарилди. Барча сув иншоотлари назоратга олиниб, ундаги шитлар занглашга қарши битумланди. Гидропостларни таъмирлашда режа 137 донга деб белгиланиб, амалда 361 донга етказилди ва белгиланган режа 263 фоизга бажарилди. Шунингдек, 99,5 метр куб бетон ишлари бажарилди. Таъмирлаш ишларига 205 нафар ишчи-ҳодим, муҳан-



дис ва гидротехниклар, мироблар, 20 донга экскаватор, 2 донга бульдозер, пайвандлаш агрегатлари ва ҳар хил техникалар жалб қилинди. Ҳар бир гидроучасткада ишчи, ҳодимлар учун ёрдамчи хўжалик ҳисобидан иссиқ овқат ташкил қилиб берилаётганидан таъмирчилар хурсанд.

Ҳадемай, Фарғона водийсинигина эмас, мамлакатимиз халқи, хорижликлар дастурхонини ноз-неъматларга тўлдирар оладиган оламшумул гидроиншоотга сув очилади. Уни айниқса,

фарғоналик фермерлар тоқатсиз кутаяпти. Минераллашган сарғиш сув ернинг қонига ўхшайди. Ундан эмиб, дам олган ер ўзининг саҳийлигини асло одамзотдан дариғ тутмайди. Поли олинган ерлар шўр ювишга мунтазир, чилла суви ҳам шу канал сувидан тутилади. Демак, бу каналга эҳтиёж шу даражада каттаки, ҳатто 20 кунга ҳам деҳқонларнинг сабри чидамайди...

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
Сирдарё-Сўх ИТХБ
матубот котиби.

(Боши 1-саҳифада)
— Бу йилни ҳам ёруғ юз билан яқунладик, — дейди Касби туманидаги “Мардонов Йўлдош Равшанович” фермер хўжалиғи раҳбари Йўлдош Мардонов. — Фермер хўжалиғимизнинг жами ер майдони 58 гектар бўлиб, шундан 2022 йил ҳосили учун пахтачиликда 37 гектар ерда фаолият кўрсатдик. Қолгани галла майдони. 2022 йил режаларини ошиғи билан 115 фоизга бажардик. 135 тонна пахта хомашёсини давлатга топширдик. Деҳқончиликда қийинчиликлар бўлади албатта. Масалан, жорий йил жуда иссиқ келди. Шунга қарамасдан ўз вақтида агротехник тадбирларни бажариб, ниҳонсида ҳосилимиз мўл-кўл бўлди. Гектаридан 40-45 центнер атрофида пахта олдик. Туманимизнинг ҳам юзи ёруғ бўлди. Бунда кластерларимизнинг ёрдами катта бўлди. Улар таъминотни ўз вақтида бажарди. Деҳқоннинг иши тўхтамайди. Бу йил ҳосилдорлик яхши бўлди, дея тўхтаб қолганимиз йўқ. Боиси кейинги йил учун ҳаракатни ҳозирдан бошлаш керак. Шу боис фермер хўжалиғимизда шудгорлаш ишлари тўлиқ якунига етказилди. Галлани экиб ундириб олдик. Бир марта озиклантирдик. Насиб бўлса, кейинги йилдан ҳам умидимиз катта.



КЛАСТЕР ТИЗИМИ ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРДИ

Келгусида узумзоримизни янада кенгайтиришни режалаштирганмиз.

Сув ресурсларини самарали бошқариш, тежамкор ва рақамли технологияларни жорий қилиш, ирригация-мелиорация тадбирлари натижасида 125 миллион куб сув иқтисод қилинди. Янгидан 2 минг 812 гектар бог ва 1 минг 661 гектар тоқзор барпо қилинди. Интенсив усулда сабзавот етиштириш йўлга қўйилди. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Президент томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат натижасида йил давомида бозорларнинг тўқинлиги сақланиб қолинди.

Қишлоқ хўжалигида бозор механизмларига асосланган, бошқарувнинг мутлақо замонавий шакли бўлган кластер тизимини жорий этилгани амалда ўзини оқламоқда. Йилдан-йил натижадорлигини намёнэ етаётган кластер тизими, нафақат пахтачилик, балки галлачилик, мева-сабзавотчилик, паррандачилик, чорвачилик, қўлиқ, балиқчилик ва пиллачиликда қўлланилиши соҳа ривожини таъминлаш ҳамда фан-техника ютуқларини кенг қўллашнинг омили бўлмоқда.

Айни пайтда вилоятда 77 та агрокластерлар, хусусан 18 та пахта-тўқимачилик, 28 та галлачилик ва 31 та мева-сабзавотчилик ва бошқа йўналишдаги кластерлар самарали фаолият



юритмоқда. Пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан 485 миллиард сўмлик инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Кластерлар томонидан илгари сурилаётган ташаббус, янги лойиҳалар ва илғор тажрибаларни оммалаштириш ҳамда изчиллик билан ҳаётга жорий этиш иши соҳа ривожини таъминламоқда.

Масалан, Қарши туманида фаолият юритаётган “Қарши агрокластер” МЧЖ неғизда лойиҳа қиймати 14,5 миллиард сўмлик тўқимачилик корхонаси ташкил этилган. Эски, қаровсиз, фойдаланилмай турган бино ўрнида бунёд этилган ушбу корхонага Япония давлатидан 580 минг АҚШ доллари қийматида 25 турдаги 220 та замонавий тикув ва бошқа зарур ускуналар олиб келинди. Корхонада 400 та иш ўрни яратилди. Бу ерда бир кунда 4 миллион донга тайёр кийим-кечак тайёрланиб, ички ва ташқи бозорга чиқарилмоқда.

— Кластер корхоналари учун энгилликлар, имтиёзлар берилмоқда, — дейди “Қарши агрокластер” МЧЖ раҳбари Бекзод Мейлиев. — Инвестиция киритиш учун яратилган қўлайликлар сабаб хориждан замонавий дастоҳлар олиб келяпмиз. Масалан, ип йигирув фабрикамиз учун Швецариядан дастоҳлар олиб келдик. Бу йил 1,5 минг гектар еримиздаги пахта ҳосилини машиналарда териб олдик. Келаси йил ушбу кўрсаткични 50 фоизга чиқарамиз. 2023 йил биринчи чорагида 400 ўринли ип-калава, иккинчи чорагида



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Юртимизда ҳар йили декабрь ойининг иккинчи якшанбасида анъанавий равишда қишлоқ хўжалиғи ҳодимлари куни кенг нишонланади. Айни шу сана муносабати билан Давлатобод туманидаги “Отчопар” майдонида ҳам ҳосил байрами, катта улоқ уюштирилди.

“ОТЧОПАР”да ҲОСИЛ БАЙРАМИ

Даставвал, туманлардаги агрофирмалар, фермер хўжаликлари, қўйингки бободехқонларимиз томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларининг арзонлаштирилган савдо ярмаркаси ташкил этилди. Унда шаҳар аҳли қўлай нархларда ўзларига маъқул мева-сабзавотлар, полиз маҳсулотларини харид қилиш имкониятига эга бўлишди.



Ҳосил байрамида вилоят ва туманлар секторлар раҳбарлари, ташкилотлар мусоақдилари, узоқ яқиндан келган минглаб ҳамюртларимиз қатнашди. Байрам тадбирини вилоят ҳокими Шавкат Абдураззоқов очиб, барча чавандозларга омад тилади. Миллий қадриятимиз — улоқ мусобақасига старт берилди.

Улоқ-кўпкарида мезбонлардан ташқари Андижон, Фарғона, Тошкент, Жиззах, Сирдарё, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари ҳамда қўшни Қирғизистон, Тожикистон ва Қозғистондан келган беш юзга яқин моҳир чавандозлар баҳсларга киришди. Мусобақага ташкилотчилар томонидан от, туя, қўй, гилам, телевизор каби қимматбаҳо совринлар қўйилди. Бунда, ғолиблик ёки ютуқ эмас, аксинча мусобақа иштирокчиларининг байрам кайфияти ҳамда чавандозларга хос ҳалоллик ва чаққонлик каби хусусиятлар устуворлик касб этди.

Санъаткорлар ижросидаги дипрабо қўшиқ-рақслар,

Эълон

Ўзбекистон Республикасининг 03.06.2015 йилдаги “Қимматли қоғозлар бозори тўрисида”ги Қонунининг 43-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиғи томонидан 31.07.2012 йилда 2383-сон билан рўйхатга олинган “Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборотни тақдим этиш ва эълон қилиш қоғдалари”га мувофиқ **PARPIYEV DILMURADJON BATIROVICH** ҳақида қуйидаги маълумотлар эълон қилинади:

Акциядорлик жамияти устав капиталининг 20 ёки ундан ортиқ фоизини сотиб олиш бўйича маълумот	
Улуш эгасининг номи: (жисмоний шахснинг тўлиқ номи ёки юридик шахснинг тўлиқ номи)	PARPIYEV DILMURADJON BATIROVICH
Улуш эгасининг жойлашган жойи (почта манзили)	Toshkent shahar, Yakkasaroy tumani, Yunus Rajabiy ko'cha, 2/2 uy
Акцияларни сотиб олишда иштирок этувчи улуш эгасининг аффилиланган шахслар	«PRESYSTEM UNIVERSAL» MChJ
Аффилиланган шахслар жойлашиши	100209, Uzbekistan, Toshkent shahri, Sergeli tumani, Fayzli ko'cha, 3 uy
Акциядорлик жамиятининг тўлиқ номи	“Trastbank” xususiy aksiyadorlik banki
Битим санаси	13.12.2022
Битим тури	биржа савдосида
Устав капиталидан сотиб олинган акциялар миқдори (%)	1,36
Битимдан кейин устав капиталдан сотиб олинган акциялар миқдори, жами (%)	24,6347
Сотиб олинган акциялар миқдори (донада)	7 619 400
Битимдан кейин ўтказилган акциялар сони, жами (донада)	138 015 909

Тошкент шаҳар Яшнобод туманида рўйхатдан ўтган «THERealBusinessAlliance» МЧЖ ўз Низом Жамгармасининг 455 190 100 сўмдан 20 000 100 сўмгача камайтирилишини маълум қилади.

Мурожаат учун телефон: (+998 90) 902-31-52.

Ўлмас БАРОТОВ,
ЎЗА мухбири.



ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ – ЭКОЛОГИК МУСАФФО ВА ТЕЖАМКОР

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Ишлаб чиқариш усули тежамкор бўлиб, атроф-муҳитни мумкин қадар камроқ ёки умуман ифлослантирмасагина экология нуқтаи назардан мусаффо ва замонавий ҳамда бугуннинг талабидаги технология ҳисобланади. Айниқса, электр энергияси таъминотида бу масала ниҳоятда долзарбдир. Бинобарин, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиши давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланиб, рағбатлантириш механизмлари жорий этилаётгани айтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 сентябрдаги “Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” фармони айнан шу мақсадда қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга биноан муқобил энергия манбаларидан фойдаланувчиларни қўллаб-қувватлаш учун бир қатор имтиёз ва преференциялар берилди. Аниқроқ қилиб айтганда, жорий йилнинг 1 октябрдан жисмоний шахслар-

га Энергетика вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан республикада ишлаб чиқарилган қуёш ва шамол электр станцияси ҳамда қуёш сув иситиш қурилмаларини уч йил мобайнида фойсиз бўлиб-бўлиб тўлаган ҳолда сотиб олиш имконияти яратилди. Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг қийматини тўлиқ тўлаган ҳолда уларни харид қилган ва ўрнатган истеъмолчиларга эса харид харажатларининг бир қисми мазкур

жамғарма ҳисобидан компенсация қилинади. Қуёш ва шамол электр станциялари ҳамда кичик гидроэлектр станциялари қурилмаларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланади. Булардан ташқари яна бошқа рағбатлантиришлар ҳам жорий этилганини алоҳида таъкидлаш ўринли. Вилоятимизда бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳам эътирофга молик. “Худудий электр тармоқлари” АЖ Наманган ҳудудий филиали биносида 1 та 20 кВтли ва шаҳар, туманлар ЭТКларида 14 та умумий қуввати 70 кВтли замонавий қурилма ўрнатилгани натижасида бир йилда 377 200 кВт.соат электр энергияси ишлаб чиқилиб, 169 миллион 740 минг сўм маблағ тежашга эришилаётганини алоҳида таъкидлаш ўринли. Умумий истеъмол қувватидан келиб чиқиб, яна қўшимча 110 кВтли панел ўрнатиш режалаштирилган. Шунингдек, Наманган давлат университетидида 100 кВтли қуёш панели ишга туширилди

ва бу билан 360 000 кВт.соат электр энергияси ишлаб чиқилиб, йилига 288 миллион сўм маблағ тежалади. Гап соҳаларга янги технологияларни кенг жорий этиш ҳақида экан, вилоятдаги қўллаб қорхона ва ташкилотларга қуёш панеллари ўрнатилганини айтиш жоиз. Бугунги кунда бошқа ташкилотлар ҳамда тадбиркорлик субъектлари ҳам ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, қуёш панелларини ўрнатиш ишларини олиб бормоқда.

Вилоятимизнинг марказий кўчалари ва аҳоли турар-жойларида ҳам муқобил энергия жиҳозларини жорий этиш ишлари аллақачон бошлаб юборилган. Наманган шаҳрининг Марғилон кўчасига 428 та ҳар бирининг қуввати 150 Ватт бўлган жами 64,2 кВтли, Давлатобод тумани Юксалиш кичик саноат зонасига 100 Ваттли 40 та ва Уйчи тумани Пастгузар маҳалласидаги 4 та кўп қаватли уйга 48,0 кВтли ҳамда Мингбулоқ тумани Мустақиллик маҳалласидаги Озодлик кўчасида жойлашган 10 та кўп қаватли уйга 18,8 кВтли қуёш панели ўрнатилди.

– Муқобил энергия манбаларидан фойдаланишда имконият ва имтиёзлар мавзусида ҳудудий бўлимимиз томонидан семинарлар ташкил этилди, – дейди “Ўзэнергоинспекция” Наманган ҳудудий бўлими бош мутахассиси Акрамжон Йўлдошев. – Вилоят ҳокимлиги, қайта тикланувчи энергия манбаларни ишлаб чиқарувчи “Al Solar-22” қўшма қорхонаси ходимлари ва вилоятдаги йирик тадбиркорлик субъектлари, ижтимоий соҳа вакиллари иштирокида ўтказилган семинарда муқобил энергия қурилмаларининг афзалликлари ҳамда ундан фойдаланувчиларга берилаётган бир қатор имтиёзлар ҳақида батафсил сўз юритилди. Масалан, мазкур ускуналарни ишлаб чиқарувчилар давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан беш йил муддатга солиқнинг барча турларини тўлашдан озод қилинади. Номинал қуввати 0,1 МВт ва ундан ортқ бўлган қуёш панелларини ўрнатган истеъмолчилар, улар фойдаланишга топширилган вақтдан эътиборан ўн йил муддатга мол-мулк солиғини ҳамда ушбу қурилмалар билан банд бўлган участкалар бўйича ер солиғини тўлашдан озод этилади.

Анжуманда тадбиркорларнинг мавзу юзасидан саволларига масъул мутахассислар батафсил жавоб қайтарди.

Муҳиддин МАҒЗУМОВ

Китобнинг мўъжиза эканлигига яна бир далил шуки, кўринишидан жўнгина рўғор бўюмидек таассурот уйғотувчи (масалан, сабзитахта шундай ҳажмда бўлиши мумкин) КИТОБ уни варақлаб, кўз югуртира бошлашингиз билан ўзига оҳанрабодек тортиб олади. Албатта, қизиқ ва фойдали бўлса. Ана шундай ҳол тарихчи олим, таниқли археолог Амриддин Бердимуродовнинг “Ватан ҳаққига муножот” китобини қўлимга олганда рўй берди.

МУАЛЛИФНИНГ МУНОЖОТИ

Авалло, китобнинг номи эътиборли: одатда, киши энг буюк мўъжизалар, энг улугвор туйғулар, умуман, қалбда ардоқлаб юрадиган муҳташам ҳисларига муножот айтади. Ватан эса ҳар қандай улугликдан ҳам улугроқдирки, шул боис олимнинг муножоти бежиз эмас.

Кўпинча биз буюк зотлар ҳақида сўзлаганда Тупроқни эсдан чиқариб қўямиз. Ҳолбуки, ҳар қандай даҳо кўз очган аниқ жой бор, у туғилган тупроқ мавжуд. Унинг фаолиятига баҳо берганда ҳам ватанини ва ватанига қандай хизмат қилганини бошида эслаш ўринли. Ана шунда ватанпарварлик ва космополитизм аниқ намоён бўлади. Сиз бир ватан фарзандимисиз, тарихий шахсга баҳо берганда уни сизнинг ватанингизга нима нафи теккани ёки зиён келтирганига қараб баҳо беринг... Шу нуқтаи назардан қарасак, менинг қўлимдаги китоб юксак ватанпарварликнинг намунасида.

Авалло, муаллифнинг нияти ҳолис: китобда “Шу улуг Ватанда туғилиб, камолга етаётган барча на бираларимга ва чевараларимга бағишлайман” дея дил амри изҳор қилинган. Шундай улугвор ва пок орзуга мос равишда асар равон, ширали тилда, ҳалқона услубда ёзилган. Етти асосий бўлимга ажратилган лавҳаларнинг ҳар бирида муаллифнинг кузатишлари қизиқарли ҳикоя қилинади ва воқеалардан тассуроти асосида ҳаётий ҳикматлари баён этилади. Улар, асосан, ўқувчидаги ватанпарварлик ҳисларини тўлқинлантиради. Масалан, мусофир юртда илм таҳсил қилиб



юрған талабага юборилган мевалар ичида “ўралашиб” келиб қолган чумоли унинг соғинч ҳисларини пўртанага келтириб юборади. Ғимирлабгина юрган бу жониворга термулиб, тор хонада қисилиб ўтирган олам нималарни хаёлидан кечирмайди? Чулолидан айрилгиси келмайди, уни пиллага солиб асрайди... Лавҳанинг охиридаги ҳулоса эса юксак туйғуларни чертиб ўтади: “Менимча, Ватанинг жонтомирлари унда яшаётган одамларнинг шу Ватандаги жониворлар, табиат, ер-сув, атроф-муҳитга бўлган меҳр-муҳаббатидан, ғамхўрликларидан ҳам озуқа олса керак?”.

Китобда миллий тарихимизда ёрқин из қодирган буюк зотлар, маънавий қадриятлар ҳақида, бугун ижтимоий ҳаётимизда кечаётган улугвор ўзгаришлар юзасидан ҳам муаллиф ўз дастхати билан мароқли ҳикоя қилади, дунё кезишлари, машҳур кишилар билан суҳбатлари, уларнинг ҳаётий ибратлари юзасидан таассуротларини омичта қилиб, теран маърифий лавҳалар яратади. Бу китоб самимий суҳбатдош бўлиш билан бирга ёшлар, умуман, китобхонлар маънавиятини бойитишга ҳам муносиб хизмат қилади.

Ҳаким САТТОРИЙ

Қишлоқ ҳаёти

Печка ёқаётган она

Қиш. Қишлоқда тонг ота бошлади. Онам ҳовури пайсаян печкага ўтин ташлайди. “Жонхузур”нинг чарсиллаб, гуриллаб ёнишини кўрпага ўраниб ётганча томоша қиламан. Хона бир зумда исий кетади. Қандай ёқими?

Эрталаб кўчинча сариёғ солинган қайноққина сут ичамиз. Мактабга қўлаётган бўлсак онам сутимизга нон тўғраб қўяди. ...Эшик биров тепиб юборгандай шарақлаб очилади. Ташқаридан сингилм билан укам уриниб-суриниб кириб келади. Улар ортидан отам кўринади. Биламан, эрталабдан отам ҳовлининг қорини кураган. Бу икковлон қори очилган жойларни супуриб тозалаган – мириқиб ўйнаган.

Шу дамда ўша болалик чоғларини жуда-жуда соғинялман. Шаҳар. Эрталабдан қишлоққа, отамга кўнғироқ қиламан. Секин гапиради, укамнинг ўғли ҳали уйғонмаганини айтади. Данагидан мағзи ширинда.

– Ота, энам яхшими? Нима қиляпти? – Энанг – бардам! Печкага ўтин ташляпти... Укамнинг ўғлига – неварамга бирам ҳавасим келяпти.

Икром АВВАЛБОВ



ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИНИ АНИҚЛАШДА ҚАНДАЙ ЧОРАЛАР КЎРИЛАДИ?

Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, мамлакатимиз ва чет эллик инвесторларга барча шарт-шароитлар яратилаётган бир шароитда фибрибгарлик жиноятларининг кўпайиб бориши кузатилмоқда.

Фибрибгарлик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текинга қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вақили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради ёхуд ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият яратади. Демак, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилан қўйилган мулкка бўлган дахлсизлик ҳуқуқи бузилади ва бу жиноий жавобгарлиқнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Фибрибгарлик жиноятлари аксарият ҳолларда мулк ва мулкка бўлган ҳуқуққа қилинадиган тажовузда ифодаланади.

Фибрибгарлик жиноятининг умумий жиноятчиликдаги салмоғи ортиб бораётганини ҳисобга олиб, жавобгарлиги оғирлаштирилди. Шунингдек, Олий суд Пленумининг фибрибгарликка оид ишлар бўйича суд

амалиёти тўғрисидаги қарори янгидан ишлаб чиқилди ва бир овоздан қабул қилинди. Фибрибгарлик жиноятига фуқарони ёлғон маълумотларга ишонтириб, унинг ишончига кириш орқали мулкни олиб қўйиш ёки эгаллаш, жабрланувчини янглиштиришга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай вазиятлар, юридик факт ва воқеалар, мулкнинг сифати, нархини бузиб кўрсатиш ҳолларидан фойдаланиш, айбдорнинг шахси, унинг ваколати, нияти (масалан, айбдор шахс ўзини мансабдор шахс ёки ҳуқуқни муносабатларга қўйиш ҳолатида қўрсатиши) билан боғлиқ ҳолатлар сабаб бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, фибрибгарлик жиноятида фуқаролик муносабатларини қонун доирасида амалга оширмаслик оқибатида фуқаро “жिनоят қурбони”га, жабрланувчига айланади. Ҳаётда тез-тез учраб турадиган ҳодисалардан бирини мисол келтирамиз. Абитуриентни ўқишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, фуқаро

А. фуқаро Ш. дан муайян миқдордаги пулни олади ва уни фалон шахсга бериш орқали масалани ҳал қилишини айтади. Унинг кимлигини фуқаро Ш. билмайди. Фуқаро А. агар абитуриент ўз кучи билан ўқишга кирса, “уни мен киритдим”, деб пулни қўйишга ўз ҳисобига ўзлаштиради. Агар абитуриент ўқишга қира олмаса-чи, у ҳолда бу ишга уриниб кўрганлигини, лекин удадалар олмаганини, сарф-харажатлар бўлганини айтиб, пулни қайтариб беради ва бир қисмини ўзига ўзлаштиради. Бу ерда икки ҳолатда ҳам фибрибгарлик жинояти яққол кўриниб турибди. Ушбу жиноятларни аниқлашда баъзан, ҳаракатнинг бошқача кечиши ҳам муҳим рол ўйнайди. Юқорида келтириб ўтилган ҳолатда шахс ўқишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, муайян пулни талаб қилган тақдирда, ҳуқуқ-тартибот идораларига маълум



қилиб, шахс пулни олаётган вақтда жиноят устида қўлга тушса, бу порахўрлик жинояти сифатида ЖК нинг 210-моддаси билан квалификация қилинади. Лекин фибрибгарлик жиноятининг турли комбинациялар, устамон ҳаракатлар, қонунни четлаб ўтиб, турли найранглар билан содир этиладиган турлари ҳам учрайдики, уларни аниқлаш ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларидан юксак малака, маҳорат ва топқирлик талаб этади. Шу муносабат билан, бу турдаги жиноятларни аниқлашнинг бирдан-бир йўли – ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, хусусан, ички ишлар органлари ходимлари томонидан жиноят ҳуқуқи назарияси нормаларини пухта эгаллаш,

амалий тажрибалар, жиноятни фоз этиш методлари, тактикасини яхши билиш ва улардан ўз ўрнида фойдаланишдир. Фуқароларнинг барча фаолият соҳаларида ўзаро муносабатда шаффофликка интилишлари, қонунларга қатъий риоя қилишлари, тадбиркорлар олди-сотди муносабатларида ҳолис ва самимий бўлишлари бу турдаги жиноятларнинг камайишига шариоит яратади. Аксинча, баъзи фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини билмаслиги бундай жиноятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Шерзод БАБАЯРОВ, Тошкент метрополитени хавфсизлиқни таъминлаш бошқармаси ходими, капитан.



МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидида ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Тахрир ҳайъати:

Шавкат ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Ақтам ҲАЙТОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Раимкул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қўғоз бичими А-2. ШАРП ИНДЕКСИ – 144. Буюртма Г-1247. 1233 нусхада чоп этилди.

Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-ўй. 1 2 3 4 5 6

Манзиллими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50. Факс – (0-371) 233-09-93. Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04. e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-7021 4 7 7 2 0 1 0 7 0 2 0 0 7 Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 17.00